



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, болаларни реабилитация қилиш, тўлақонли ҳаёт тарзини юритишга кўмаклашиш ҳамда имкониятларини ошириш учун уларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш, соҳада ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2021 йил 28 июль куни ўтказилган ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш бўйича видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларни самарали бажариш мақсадида:

1. Куйидагилар ногиронлиги бўлган шахсларга, айниқса, болаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини бугунги босқичда яхшилашнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин: мактабча ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган эшитиш қобилияти заиф болаларни

замонавий эшитиш мосламалари билан таъминлаш орқали мослаштирилган (адаптив) ўқув тизимини жорий қилиш; кохлеар имплантатларини ўрнатиш бўйича жарроҳлик амалиётини ўтказишдан олдин ва ундан кейинги реабилитация жараёнини Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан тўлиқ бепул амалга ошириш; болаларни туғма, патологик ва ортирилган суяк-мушак тизимидаги ўзгаришлар ва деформацияларни даволаш учун зарур бўлган тиббиёт буюмлари ва эндопротезлар билан узлуксиз таъминлаш, жумладан, экзоскелет ускунасини олиб кириш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг одатий ҳаётга мослашуви-ни тезлаштириш;

бош миёдаги патологик ўзгаришлар (жумладан, гидроцефалия) билан туғилган болаларнинг, шунингдек, янги туғилган чақалоқлар, болалар ва ўсмирлардаги туғма юрак нуқсонларининг жарроҳлик амалиётини ўтказишни давлат таъминотида олиш;

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

“ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрлиниш туйғусини юксалтириш, миллий ўзлигини сақлаб қолиш, ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш мақсадида:

1. Ташкил ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, “Тараққиёт стратегияси” марказининг улар муассислигидаги нодавлат нотижорат ташкилоти — “Ватандошлар” жамоат фондиди (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Фонд фаолиятининг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин: хорижда истиқомат қилаётган

ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, ватандошлар истиқомат қилаётган мамлакатларнинг қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида хорижда истиқомат қилаётган ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

хорижда мураккаб ҳаётини вази-ятга тушиб қолган ватандошларни белгиланган тартибда моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга ахборот жиҳатидан ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

хорижда ўзбек тили, маданияти ва аъёнларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

▶ Давоми 2-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

“Ватандошлар” жамоат фонди чет элда яшаётган ватандошлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди

Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган “Ватандошлар” жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисидаги қарор хорижда истиқомат қиладиган ватандошларимиз томонидан илиқ кутиб олинди. Улар мазкур фонд хорижда бўлиб турган барча юртдошларимизни Ватан тараққиёти йўлида бирлаштиришга хизмат қилишини таъкидламоқда.

Феруз Ҳалимов, халқаро ҳуқуқ мутахассиси (Франция):

— Сўнгги йилларда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокини рағбатлантириш ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмак бериш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, 2016 йилдан сўнг бу йўналишда янги давр бошланди, десак мубо-лага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Ватандошлар” жамоат фондиди ташкил этиш бўйича қарор ушбу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Шубҳасиз, “Ватандошлар”

жамоат фонди чет элда яшаётган юртдошлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Фонднинг асосий йўналишларига эътибор берадиган бўлсак, биринчи навбатда, меннинг эътиборимни ҳуқуқшунос сифатида хорижда истиқомат қилаётган ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш соҳасидаги фаолият тортиди. Бизга маълумки, чет элда турли сабабларга кўра, мураккаб ҳаётини вази-ятга тушиб қолган ватандошларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга ахборот ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юртдошларимизни ҳимоя қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

30 йиллигига

ДУНЁДА МУҚОБИЛИ БЎЛМАГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Навоий кон-металлургия
комбинатининг бугунги фаолияти
ва истиқболлини белгилайди



Ўттиз йил абадиёт қошида киприк қоққанчалик вақт эмас. Лекин ана шу қисқа даврда абадиётга дахлдор ишларни амалга ошириш мумкин. Мамлакатимиздаги бунёдкорлик кўлами, ишга тушаётган замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, шаҳар ва қишлоқларнинг бугунги қиёфаси, Учинчи Ренессансга мустаҳкам замин яратилаётгани, яқин кўшничилик, очик ва манфаатли халқаро ҳамкорлик алоқалари ана шулардан сўзлайди.

▶ Давоми 4-бетда

ГЛОБАЛ ҲАРАКАТЛАРГА ЁШЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ДЕКЛАРАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Пойтахтимизда “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзусидаги Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси бошланди.

Ушбу халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида илгари сурилган ва халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланган ташаббуси асосида ташкил этилмоқда. Мазкур ғоя Ўзбекистоннинг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бўлган содиқлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилиш ҳақида илгари сурилган ташаббус нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки жаҳон ёшлари учун ҳам аҳамиятлидир.

Бутунжаҳон анжуман ишида 30 дан ортиқ мамлакат ва халқаро ташкилотлардан вакиллар, экспертлар, олимлар, ҳуқуқшунослар, ёшлар масалалари бўйича мутасаддилар иштирок этмоқда. Мазкур конференция ҳам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган 12 август — Халқаро ёшлар кунида ўтказилаётгани эътиборга молик. Айни пайтда жорий йилги нуфузли анжуман ўтган йили ўтказилган “Ёшлар-2020: глобал ҳамжихатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форумининг ўзига хос мантиқий давомидир.

Бугун мамлакатимизда шиддатли ислохотлар кечмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан янгиланаётган Ўзбекистонни барпо этишда халқимиз, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, таълимга ёшларни қамраб олиш, меҳнат бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРЛАРИ

ЮРТ ШАЪНИНИ ШАРАФЛАГАН ЧЕМПИОН



▶ 6-бетда қаранг

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

“Ватандошлар” жамоат фонди чет элда яшаётган ватандошлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди

Бошланиши 1-бетда

Бундан ташкари, фонд хорижий давлатларда Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий мероси, туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилишда муҳим бўлишига айланади, деган умиддамиз. Биз фонд билан ҳамкорликда Францияда турли тақдиротлар, маданият кечалари, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказишни режалаштиряпмиз.

“Ватандошлар” жамоат фонди томонидан хорижда истиқомат қилаётган юртдошларимизни Ўзбекистон тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар билан таъминлашга қаратилган интерфаол электрон портал яратилиши тез, сифатли ва ўз вақтида маълумот олишни таъминлайди.

Мен “Touristbookinfo” веб-порталининг асосчисиман. Умид қиламанки, бу икки портал ўртасида йўлга қўйиладиган ҳамкорлик Ўзбекистоннинг имижини янада оширишга хизмат қилади.

Президентимизнинг ушбу ташаббуси дунёнинг турли нўқталаридаги ватандошларимизни бирлаштириш ва жипслаштиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Махмуд Абдуллаев,
“Лаззат” ўзбек миллий ресторани асосчиси (Жанубий Корея):

— Кўп йиллардан буён Сеул шаҳрида оилам билан яшайман ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 август кўни қабул қилинган “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг долзарблиги шундаки, мазкур ҳужжат хорижда истиқомат қилаётган, турли соҳаларда фаолият юритаётган ҳамда таҳсил олаётган ватандошларимизни жонажон Ўзбекистонимиз атрофида жипслаштириш, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрлиниш туйғусини юксалтириш, миллий ўзлиқни сақлаб қолиш, ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш каби муҳим мақсад ва вазифаларни қамраб олди.

Корея Республикасида қарийб 65 мингга яқин ўзбекистонлик яшаб, ишлаб ва билим олиш билан шуғулланиб келмоқда. Фонд зиммасига юқлатилган вазифаларнинг бажарилиши келажакда ватандошларимиз учун янги имкониятлар эшигини очишига ишонамиз.

Ватандошларимизнинг орзуси бўлган, яъни Жанубий Корея ҳудудида ўзбек боғча ва

мактаблари ташкил этилиши, фарзандларимизнинг ўзбек тилини, ўзбек урф-одатларини ўрганиб бориши келажакда уларни нафақат хорижда, балки Ўзбекистонимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида ҳам тахсил олиши учун кенг имконият яратган бўларди.

Мен янги тузилган “Ватандошлар” жамоат фонди ва Ўзбекистон элчихонаси билан мунтазам ҳамкорлик қилиб, ушбу мамлакатда яшаётган барча ватандошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мафтункор диёримизни хориқликларга кенгроқ танитишга ҳисса қўшишга тайёрман.

Олим Абдусайдов,
Латвиядаги Ўзбекистон маданият маркази раиси ва Ахборот маркази раҳбари:

— Бу хушхабарни катта мамнуният билан қабул қилдик. Мазкур ташаббус аини вақтда илгари сурилди, деб ўйлайман. Фонд юртдошларимизга ўзлари яшаётган мамлакатда ўзбек жамоасини янада мустаҳкамлаш, истиқболдаги режаларини амалга ошириш, миллий анъана ҳамда ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлаш учун қўлай шароит яратишга катта ёрдам беради.

Ўзбекистон ўз фуқаролари ҳақида қайғураётгани, уларни гўзал юртимиз мавқеи ва нуфузини оширишга қаратилган жамоатчилик фаолиятига, халқ дипломатиясига даъват этаётгани чиндан ҳам қувонарли ҳолдир.

Умид қиламизки, “Ватандошлар” жамоат фондининг ташкил этилиши келажакда ёшлар билан ишлашда ҳам бизга кўп жиҳатдан кўмаклашади. Жумладан, Латвияда ўзбек болажонлари учун миллий тилимизни ўргатадиган ўзбекона анъана ҳамда маданиятимизга мос яшанба мактаблари яратиш ва қўллаб-қувватлашда ушбу фондининг кўмаги зарур бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу жамоат фонди ташкил этилгани истиқболдаги режаларимизга катта туртки беришига ишончимиз комил.

Камолиддин Бедиев,
Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Германиядаги вакили, Берлиндаги Херман-Шульц номи мактаб ўқитувчиси, “Шўхрат” медали соҳиби:

— Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарор аини пайтда хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни жуда ҳам қувонтирди. Чунки мазкур

қарор аини вақтда хориждаги юртдошларимиз ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, хорижда мураккаб вазиятга тушиб қолганларга белгиланган тартибда моддий кўмак бериш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ахборот билан таъминлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, хорижда ўзбек тили ва миллий анъаналарини тарғиб қилишга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг бой илмий ва маданий меросини оммалаштириш ва бошқа шу сингари муҳим жабҳаларни қамраб олди.

Албатта, ҳужжатдан қўзланган мақсад биз учун аини муддао ва унинг қабул қилиниши жуда аҳамиятлидир. Аини пайтда хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз сони салмоқли ва Ўзбекистонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва олиб борилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиб бориш, уларда фаол иштирок этишни таъминлашда бундай қарорнинг ўрни салмоқлидир. Мазкур ҳужжат барчамиз учун манфаатли бўлишига ишонамиз.

Хуршид Қодиров,
“Societe Generale” банки мутахассиси (Франция):

— Францияда иш фаолиятини олиб бораётганимга ўн йилдан ошди. Муҳим янгиллик — “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этиш бўйича эълон қилинган қарорни ўқиб, беҳад қувондик.

Фондининг мақсад ва вазифалари билан танишиш билан яшайдиган ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш билан бирга, халқимизнинг бой тарихини оммалаштириш ва кенг миқёсда тарғиб этиш нўқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этишидан хурсанд бўлдим. Хорижий элларда истиқомат қиладиган ватандошлар бу эзгу ишга ўз ҳиссаларини бажонидил қўшишига ишончим комил.

Шу ўринда бир мисолни келтиришни истар эдим. Яқинда, жорий йил январь ойида бир гуруҳ ватандошларимиз билан ҳамкорликда Париж шаҳрида ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган матонати, фронт ортидаги жасорати ва унинг тарихий аҳамиятига бағишланган халқаро конференция ташкил этдик. Шу билан бирга, ўзбеклар турли миллатга мансуб миллионлаб халқларни юртимизда қабул қилиб, бағрикенглик фазилатларини намойиш этгани каби муҳим мавзуларни атрофлича ёритишга ҳаракат қилдик.

Бундан кейин “Ватандошлар” жамоат фонди билан ўзаро ҳамкорликда ўзбек маданиятининг нақадар бой ва ўзига хослигини намойён этадиган тадбирларни ташкил этишга ҳисса қўшишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

“Дунё” АА

МУНОСАБАТ

Ягона транспорт тармоғига интеграция

Аҳоли сонининг тобора ортиб бориши, бунёдкорлик ва қурилиш ишлари, автомобиль йўлларидаги доимий тирбандликлар — катта шаҳарларга хос манзара. Аслида инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари мамлакатдаги ривожланишлар билан бирга ўсиб бориши табиий ҳол. Талабга яраша таклифни ҳам ишлаб чиқиш эса кишиларнинг танлов имкониятини оширади.



Сардор ҒАФУРОВ,
Транспорт вазирлиги
юридик бошқармаси раҳбари

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳалар қатори транспорт тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳудудларнинг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, муҳими, мазкур йўналишда сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилаётгани боиси ҳам шундан.



Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад мамлакатимиз транспорт-логистика тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, халқаро аҳамиятдаги транспорт коридорларининг ўтказиш қобилиятини янада ошириш, янги, арзон ва қисқа трансконтинентал транзит коридорларини шакллантириш, шунингдек, минтақа мамлакатларининг жаҳон транспорт тизими билан ўзаро уйғунликдаги ривожланишни таъминлашдан иборат. Шу жиҳатдан, Президентимиз томонидан 2021 йилнинг 9 август кўни Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”ги қонунни имзоланиши билан автомобиль, ҳаво, темир йўл, сув ва шаҳар йўловчи транспорти

ташишларни амалга ошириш шартларини тартибга солади, аралаш ташиш шартномасининг мазмунини ва тузиш тартибини белгилайди. Ўз навбатида, миллий қонун ҳужжатларида мавжуд бўлмаган ва кўпчилик учун нотаниш бўлган “аралаш ташишлар оператори”, “ташишлар хавфсизлиги”, “транспорт хавфсизлиги”, “транспорт инфратузилмаси объектилари”, “транзит транспорт йўлаги” каби сўзларнинг маъноларига изоҳлар келтирилган.

Муҳими, ушбу қонун самарали транспорт логистикасидан фойдаланган ҳолда транспорт турларининг мақбул ва мувозанатли, уйғунлашган ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилгани билан қонунчи-



фаолияти ва ҳамкорлигининг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ташкилий асослари ва тамойиллари белгилаб берилди.

Ҳар томонлама ривожланган транспорт тизими нафақат ички, балки ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу кўнга қадар мамлакатимизда транспорт фаолиятини тартибга солувчи алоҳида Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль транспорти тўғрисида”, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунлари, Ҳаво кодекси ва бошқа қўллаб қонун ҳужжатлари мавжуд эди. Бироқ барча турдаги транспортларнинг оптимал ва уйғунлашган ўзаро алоқасини таъминлайдиган, самарали логистика тизими, аралаш ташишларни кенгайтириш орқали ягона транспорт тармоғига интеграция қилиш мезонларини белгилайдиган умумий қонун ҳужжати бўлмаган. “Транспорт тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ана шу камчиликларни бартараф этиб, тизимни

ликдаги мавжуд бўшлиқни бартараф этиш имконини беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий база билан уйғунлаштириш, йўловчи ва юк ташиш халқаро бозорига миллий транспорт тизимининг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда республика ҳудуди бўйлаб барча турдаги ташишларни амалга оширишда рақобат муҳитини ривожлантириш учун шароит яратишга эришилади.

Шу нўқтаи назардан, мазкур қонун мамлакатимиз транспорт тизимининг ҳолати ва ривожланиши учун жуда муҳим аҳамият касб этиб, унинг бошқа инфратузилма тармоқлари билан бирга жамият фаолияти учун асосий шароитларни таъминлаши, ижтимоий-иқтисодий ва ташқи сиёсат мақсадларига эришишда асосий элемент сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.



ГЛОБАЛ ҲАРАКАТЛАРГА ЁШЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ДЕКЛАРАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Юртбошимиз томонидан ёшлар манфаатларини ҳимоялаш борасидаги эзгу ташаббуслар БМТ томонидан эълон қилинган ғоялар, қабул қилинаётган муҳим ҳужжатларга уйғунлиги билан аҳамиятлидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, мамлакат ёшларига оид бешта муҳим ташаббусда ушбу келажакда авлод манфаатлари тобора яққолроқ ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда Ёшлар парламенти шакллантирилди. Жамият ҳаётида ёшларнинг иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, 2021 йил мамлакатимизда Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб эълон қилинди.

Жорий йил мамлакатимиз ёшлари, эҳтиёжманд оилалар манфаатларини ҳимоялаш, таълим имкониятларини янада кенгайтириш, камровини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида қўллаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг амалий ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш номидан мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси вазифасини

бажарувчи Ю Ю, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелет, БМТ Бош қотибининг Ёшлар масалалари бўйича вакили Жаятма Викраманаяке, Парламентлараро иттифоқ бош қотиби Мартин Чунгонг, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби Хельга Мариа Шмид, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи қотиби Сергей Лебедев ва бошқалар ўз видеоурожаатларида Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, жамият ҳаётидаги иштирокини тобора кучайтириш борасидаги туб янгиланиш жараёнлари алоҳида эътирофга лойиқ эканини таъкидлади.

Сир эмаски, дунёда ўтган йили бошланган коронавирус пандемияси наинки Ўзбекистон, балки бутун Ер қурраси учун қутилмаган салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Жаҳон миқёсида ёшларнинг таълим олиши, меҳнат бандлиги, руҳий, маънавий, жисмоний саломатлигини муҳофазалаш билан боғлиқ қўллаб долзарб муаммолар юзага келди. Бу борадаги масалаларни ҳал этиш эса бир мамлакат чегараси билан чекланмай, глобал миқёсда пандемия офатлари оқибатларини, уларнинг одамлар, айниқса, ёшларга бўлган салбий таъсирини камайтиришини талаб этади.

Мамлакатимизда пандемиянинг оқибатларини юмшатиш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш

борасида қўллаб эзгу ташаббуслар илгари сурилганини анжуман иштирокчилари юқори баҳолади. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг бу борадаги амалий сазй-ҳаракатлари дунёнинг қўллаб мамлакатлари учун намуна бўлгани қайд этилди.

Анжуманнинг илк кўнида “Covid-19”ни ёшларнинг заиф қатламларига таъсири шароитида Барқарор ривожланиш ва Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ёшларнинг ролини кучайтириш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва рағбатлантириш самарадорлигини оширишда, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш масалалари миллий ва халқаро қатнашчилар томонидан батафсил муҳокама этилди.

Оғир пандемия шароитида ёшлар манфаатларини таъминлашнинг Ўзбекистон ва хорижий тажрибаси ҳусусида батафсил сўз юритилди.

Анжуманда ёшларга оид глобал масалаларни ҳал этишда БМТ мисолидаги нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти, қўшаётган ҳиссаси, таълим имкониятларини янада кенгайтириш билан боғлиқ ижтимоий тармоқлар орқали йигит-қизлардан келиб тушган саволларга батафсил жавоб қайтарилди. Анжуман 13 август кўни ўз ишини давом эттиради.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Энг муҳими, амалий натижа билан мустақамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислохотлар одамларнинг қалби, юрагидан жой олди, унинг самараларини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиб турибди.

Ҳазрат Навоий номи билан аталувчи кон-металлургия комбинати юртимизнинг энг гигант корхонаси ҳисобланади. Дунёда ҳам ўз тармоғи бўйича энг етакчи компаниялар сафида туради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан соҳани ривожлантиришга қаратилган муҳим дастур ва пухта ўйланган лойиҳалар туфайли комбинат сўнгги йилларда тараққиётнинг янги манзиллари сари юзланди.

Яна бир эътиборли томони, корхона бугунги кунда конларни ўзлаштириш,

маъдан қазиб олишдан тортиб, тайёр маҳсулот олишгача бўлган яхлит бир тизим асосида фаолият олиб бораётган кон-металлургия соҳасидаги улкан кластерга айланди. Сўнгги йилларда дунёда ўхшаши йўқ илғор технологияларга асосланган замонавий гидрометаллургия заводлари ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этилиши, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар бугунга келиб комбинат имкониятларини янада кенгайтириб юборди. Иш ҳажми, иқтисодий самарадорлик ҳам шунга яраша тўддан ошди. Жўмладан, мустақиллик йилларида тоғ жинсларини қазиб олиш 5 бараварга, маъданини қайта ишлаш 3 бараварга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ходимлар сони 2 бараварга ошгани жамоа аҳлининг фидокорона меҳнат маҳсулидир.



ДУНЁДА МУҚОБИЛИ БЎЛМАГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Кувондиқ САНАҚУЛОВ,
Навоий кон-металлургия
комбинати бош директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Ушбу даврда 3- ва 4-гидрометаллургия заводлари, “Мурунтов” қонида тик-қияли конвейер, 3-гидрометаллургия заводида дунёда ноёб бўлган сорбциялаш жараёни, чиқиндиларини юқори самарали куйдириш мажмуаси, 2-гидрометаллургия заводида 29-ва 30-тегирмон блоклари ва бошқа муҳим объектлар ишга туширилди.

Шу ўринда жажоннинг энг нуфузли тахлилчи ташкилотларидан бирининг хулосаларига эътиборингизни тортмоқчиман. КИТКО тахлил маркази 2020 йилда олтин қазиб олиш бўйича етакчи ўнга кон рўйхатини эълон қилди. Унинг биринчи погонасини “Мурунтов” қони эгаллаб турибди. Марказ маълумотида, ўтган йили “Мурунтов”да тахминан 56,7 тонна олтин қазиб олинган, унинг ресурс базаси 4 минг тоннадан зиёдни ташкил этади. Бу яқин келажақда дунёдаги энг йирик олтин қони сифатида ўз мавқеини сақлаб қолшадан далолат беради.

Айтиш мумкинки, кейинги пайтда бу ерда ҳам инновацион технологияларни самарали қўллаш, хусусан, дунёда энг узун ҳисобланган маъданини олиб чиқувчи қия конвейерни ишга тушириш ана шундай имкониятларга йўл очаяпти. Келажақда очик осмон остидаги қоннинг чуқурлигини 1000 метрга етказиш режалаштирилган.

2017 йилнинг 28 март куни жамоамиз тарихига зарҳал битиклар битилган сана сифатида муҳрланган. Шу куни давлатимиз раҳбари Ауминзо-Амантов қони негизда қуриладиган 5-гидрометаллургия заводини бунёд этишга бағишланган маросимда рамзий тугмани босиб, тантанали равишда старт берди.

Давлатимиз раҳбари бу ва бошқа барпо этиладиган янги гидрометаллургия заводлари улкан иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этишини, бу кун мамлакатимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган тарихий саналардан бири бўлиб қолишини, бундай улкан бунёдкорлик ишлари комбинат салоҳиятига тўла мос келишини алоҳида таъкидлаб, уларни амалга оширишда куч-қувват ва муваффақият тилади.

Президентимиз жамоамизга юксак мақсадларга эришиш, маррани баянда олиш йўлларини ҳам кўрсатиб берди. Ана шу кезде тасдиқланган дастурга кўра, Навоий кон-металлургия комбинатида 2026 йилгача 27 та лойиҳа амалга оширилади. Қиймати 3,4 миллиард доллардан зиёд бўлган мазкур лойиҳалар натижасида ишлаб чиқариш қуввати 30 фоизга ортиси, 30 мингга яқин янги иш ўрни яратилиши белгиланган.

Унда умумий қиймати қарийб 400 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 5-гидрометаллургия заводини бунёд этиш лойиҳаси муҳим ўрин тутди. Бу ерда йилга 5 миллион тонна маъдан қайта ишланган ҳолда, 3,5 минг кишининг бандлиги таъминланади. Шунингдек, дастурдан Пистали ко-

нини ўзлаштириш ва 6-гидрометаллургия заводини қуриш, 2-гидрометаллургия заводи қувватини кенгайтириш, Мурунтов қонини ўзлаштиришнинг 5-навбати, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуасини барпо этиш ва бошқа лойиҳалар ҳам жой олган.

Ушбу тарихий воқеа юз бергандан буён ордан тўрт йил ўтди. Табиий савол туғилади: дастур ижросини таъминлаш доирасида қандай ишлар амалга оширилди?

Энг аввало, техник жиҳатдан ўта мураккаб, дунёда муқобили бўлмаган, инновацион ва креатив ечимларни талаб этадиган лойиҳаларни ишга тушириш жараёنларида ишчи, техник ва муҳандисларимиз малака ва салоҳияти юксаклигини амалда исботлаб келмоқда. Улар бир тану бир жон бўлиб белгиланган вазифаларни муддатидан олдин бажаришга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифаларини яратишга қодирлигини намойён этиб келяпти.

Негаки, дастур қабул қилингандан буён шу даврга қадар 1,6 миллиард долларлик маблағ ўзлаштирилиб, 10 та муҳим ишлаб чиқариш қуввати муддатидан олдин фойдаланишга топширилди. Пировардида минглаб янги иш ўринлари яратилди, комбинатда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоиз, қумуш 45 фоизга ошди.

Кейинги пайтда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга интеграциялаш, инновацион лойиҳаларни кенг татбиқ этиш, техник тежамкор ечимларни, ноёб технологияларни амалиётга жорий этиш фаолиятимизнинг таркибий қисмига айланди. Бунинг натижасида нафақат маҳсулот таннарахини пасайтиришга, балки юқори самарадорликка

маҳаллий кимёвий моддалар ишлатилади, бу эса таннархни янада арзонлаштиради. Завод тўла қувват билан ишга туширилгандан сўнг йилга 15 миллион тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ва 7,5 тонна қўшимча олтин ишлаб чиқариш, 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имкони юзага келади.

Комбинат миқёсида олиб борилаётган яна бир муҳим лойиҳалардан бири — 5-гидрометаллургия заводини барпо этиш ишлари давом этапти. Бугун бу ер чинакам бунёдкорлик майдонига айланган. Унинг йилга 2 миллион тонна маъданини қайта ишлаш қувватига эга 1-ишлаб чиқариш блоқи муддатидан олдин фойдаланишга топширилди.

Мазкур лойиҳанинг ўзига хос томони шундаки, заводда дунёда ўхшаши бўлмаган мутлақо янги технология, яъни, кислородли-оҳақли оксидлаш асосида олтин ажратиб олиш технологияси қўлланилади. Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилади ва масофадан бошқарув тизими ўрнатилади. Корхонанинг тўлиқ ишлаб бошлаши билан янги иш ўринлари сони 3,5 мингга етади ва ҳар йили 5 миллион тонна маъдан қайта ишланади.

Давр бошқа тармоқлар қаторида кон-металлургия соҳасида ҳам кенг тафаккур ва чуқур билимга эга ёшлар сафини янада кенгайтиришни талаб этмоқда. Биз бу вазифани ижобий ҳал этиб бораёмиз. Шу боис, комбинатнинг бугунги ютуқларида ёшларнинг ўрни катта бўлмоқда.

Жамоанинг ўртача ёши 37 ёшда. Раҳбар ва мутахассислар орасида 30 ёшгача бўлганларнинг улуши 32 фоизга тўғри келади. Комбинат раҳба-



ҳам эришилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ресурсларни тежаш, маблағларни иқтисод қилиш имконини берапти.

Дастурдан ўрин олган муҳим лойиҳалардан бири бу — қиймати 247,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 7-гидрометаллургия заводида. Айни пайтда мазкур завод тўла қувват билан фаолият олиб бормоқда. Завод қурилишида қўлланилаётган асосий технологик ускуналар чет элдан сотиб олинмасдан, ўзимизнинг машинасозлик корхонамида тайёрланиши туфайли 56 миллион долларга яқин маблағ тежаб қолинди.

Мазкур заводнинг ўзига хослиги шундаки, унда таркибида олтин кам бўлган, олдин ишланган ва захирага олинган маъдани энг мураккаб жараёнлар орқали, яъни, кислотали ишқорда яна қайта ишлаб, маҳсулот олинади. Бу жараёнда фақат

рияти ҳеч иккиланмасдан йирик завод ва корхоналар бошқарувини иқтидорли, креатив фикрлайдиган, шихоатли ёшларга ишониб топширяпти.

Бугунги кунда комбинат заводлари орасида 2-гидрометаллургия заводининг ўрни ва улуши беқийс. Заводда босқичма-босқич инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши унинг қувватини яқин вақтда йилга 50 миллион тоннага етказишни таъминлайди. Ҳозирда фойдаланишга топширилган иккита янги тегирмон блоқи юқори самара билан ишлamoқда.

Шунингдек, 3-гидрометаллургия заводида сорбциялаш жараёни чиқиндиларини юқори самарали куйдириш технологиясига асосланган янги мажмуанинг ишга туширилиши ҳам корхонамиз солномасидан муносиб жой олди. Ушбу технологиянинг жорий этилиши корхонада хомашёдан олтин ажратиб олиш ҳажминини 8 фоизга, қимматбаҳо металл ишлаб чиқариш сони 11 фоизга оширди. Пировардида чиқиндида чиқиб кетадиган нодир металл микдорини икки баравардан кўпроқ камайтиришга эришилди. Мазкур ихтиро БМТнинг Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан олтин медаль билан тақдирланди. Бу технологик жараёни амалга оширишда германиялик мутахассислар ҳам фаол иштирок этди.

Инновация бу — келажак дегани. Шу нуқтаи назардан комбинатда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирда биз 105 та инновацион лойиҳани ўз ичига олган ривожланиш дастурига эгамиз. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу дастур натижасида 1,3 триллион сўмлик иқтисодий самара олиш кутилмоқда. Бу борада республиканинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Эришилаётган бундай натижалар ва янги қувватларнинг ишга тушиши туфайли ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб борапти. 2020 йилда комбинат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати хорижий валюта эквивалентида 4,9 миллиард долларга тенг бўлиб, бу кўрсаткич Навоий вилоятида тайёрланган маҳсулотнинг қарийб 90 фоизини, шунингдек, корхонанинг маҳсулот қиймати республикада ишлаб чиқарилган ялпи ички

маҳсулотнинг 8,5 фоизи, саноат маҳсулотларининг 13,4 фоизини ташкил этади.

Комбинат мамлакатнинг энг йирик солиқ тўловчиси ҳисобланади. Ўтган 2020 йилда 31,2 триллион сўм миқдорда солиқ тўловлари амалга оширилиб, давлат бюджети даромадининг 23,4

фоизини таъминлагани бунинг амалий исботидир. Бундан ташқари, корхона фаолиятига илм-фан ютуқлари, инновация ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялаш, сарф-харажатларни қисқартириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва тежамкорлик каби муҳим сифатлар кенг татбиқ этилаётгани юқори даромад олишга имкон яратмоқда. Хусусан, ўтган 2020 йилни 10,2 триллион сўм соф фойда билан яқунлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги 41,9 фоизни ташкил этди. Қўшимча 2,3 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани эса, ҳеч шубҳасиз, жамоамизнинг улкан салоҳиятини яна бир қарра намойён этди.

Комбинат ютуқларида маҳаллийлаштириш дастурининг ижроси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки НКМК бу борада республиканинг энг йирик локомотив корхоналаридан бири ҳисобланади. Айни пайтда валюта маблағларини иқтисод қилиш мақсадида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш асосий ўрин тутди.

Комбинат ташаббуси билан корхонанинг маҳаллийлаштириш бўйича асосий бўлинмаси — Навоий машинасозлик заводида кўпроқ йирик ва технологик мураккаб ускуналарни ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш мақсадида, завод қувватларини бўшатish орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун “шатакча олиш” механизми амалиётга жорий этилди. Бунда асбоб-ускуна ва ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришнинг технологик ва муҳандислик йўналишларида кўмаклашган ҳолда, маҳаллий корхоналарга қисман ўтказиш кўзда тутилган.

Сўнгги йилларда маҳаллий корхоналар билан тасдиқланган “йўл хариталари” асосида комбинат эҳтиёжлари учун ўнлаб янги турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ўзлаштирилди. Бу комбинатта валюта маблағларини иқтисод қилишда қўл келяпти.

Яна шуни мамнуният билан таъкидлаш кераки, 2020 йилда комбинатда 138 та лойиҳа бўйича 352,3 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Бунда комбинатнинг асосий фаолияти учун зарур бўлган ўнлаб маҳсулотлар, инвестиция дастурини амалга ошириш учун ностандарт тех-

нологик жиҳатдан мураккаб ускуналар ўзлаштирилишининг ҳиссаси катта бўлди. Ўтган йили биргина импорт ўрнини босувчи 140 куб метрли шарли тегирмоннинг Навоий машинасозлик заводида тайёрланиши натижасида 2,5 миллион долларлик валюта маблағлари иқтисод қилинди.

Республикада Электрон кооперация портали ишга тушгандан буён комбинат томонидан жами 3,7 триллион сўмлик 6740 та шартнома тузилган бўлиб, бугунги кунга қадар шундан 3 триллион сўмлик 5970 та шартнома ижроси таъминланди. Қувонарлиси, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан кооперация алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Комбинат кооперацион географияси юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган. Шу пайтгача портал орқали 500 га яқин корхона билан шартномалар тузилди. Комбинат мутахассислари уларга маҳсулотларни ўзлаштиришда ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда.

Жорий йилнинг 22–24 апрель кунлари НКМКда янгича форматда республика тармоқлараро кооперация саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг 645 та етакчи ишлаб чиқариш корхонаси, 60 та соҳавий, 585 тадан ортиқ тадбиркорлик субъектлари 1,4 минг турдан ортиқ импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. Пировардида кон-металлургия, энергетика, кимё, қурилиш ва бошқа соҳалар бўйича корхоналар ўртасида қиймати 376 миллиард сўм бўлган 996 та шартнома, тармоқлараро 268 та меморандум имзоланган эришилди. Комбинатнинг ўзи 117 та шартнома бўйича қиймати 225,7 миллиард сўмлик келишувларга эришди.

2021 йилги марраларимиз янада улкан. Комбинат бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 54 триллион сўмга етказиш, Инвестиция дастури доирасида 651 миллион долларлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш, жўмладан, “Ўюмда эритмага ўтказиш цехи техноген чиқиндиларини қайта ишлаш мажмуасини қуриш” лойиҳаси бўйича янги тегирмон блокларини ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳалар ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари қувватларини кенгайтириш ҳисобига минглаб янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Жорий йилда комбинатнинг соф фойдаси 10 381 миллиард сўм, давлат бюджетига тўловлар ҳажми 32 триллион сўм миқдориди бўлиши кутулимоқда.

Маҳсулот турлари ва уни экспорт қилиш географиясини кенгайтириш бўйича юксак марралар белгилаб олинган. Маҳаллийлаштириш дастурига асосан эса, 154 та лойиҳа доирасида 433 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланган. Шундан 71 таси янги лойиҳа ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатларини қамайтириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида 1 триллион 52,8 миллиард сўм миқдоридидаги маблағни тежаш кўзда тутилган.

Биз, энг улуг, энг азиз айёмимиз Мустақиллик кўнини ана шундай ютуқлар ва келгусининг залворли режаларини бажаришга белни маҳкам боғлаган ҳолда қутиб оламиз. Албатта, юксак ишончни фидокорона меҳнатимиз билан оқлаб, янги Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашга, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида матонат билан хизмат қилиб, зиммामиздаги шарафли вазифаларни সিқидилдан ва оқилона уddалашда давом этамиз.





**Рустам ТУРСУНОВ,
ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш
департаменти бошлиғи, полковник**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ички ишлар органлари соҳасида, хусусан, жазони ижро этиш тизимида ҳам аниқ манзилли ёндашувга асосланган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Мазкур тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, жазо муддатини ўтаётган шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари доирасини кенгайтириш, яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган 3 та қонун, Президентимизнинг 6 та қарори, ҳукуматнинг 9 та қарор ва фармойиши, идоравий ва идоралараро 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОХОТЛАРИ — АМАЛДА

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ:

адолат ва қонун устуворлиги — инсон ҳуқуқлари кафолати

БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил 17 декабрдаги резолюциясига асосан, “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари” (Нельсон Мандела қоидалари) миллий қонунчилигимизга имплементация қилинди. Унга қўра, тиббий ёрдамга муҳтож маҳкумларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий муассасаларига жойлаштириш амалиёти жорий этилди. Маҳкумларга психологик ёрдам олиш ҳуқуқи, оғир касалликка чалинганларига эса яқинлари билан телефон орқали қўшимча сўзлашиш, зарур ҳолларда шифокорнинг руҳсати билан учрашишга руҳсат берилди. Рўхий ҳолати бузилган вақтда маҳкум томонидан содир этилган тартиббузарлик учун интизомий жазо чоралари қўллаш бекор қилинди.

Жазо муддатини ўтаётган айрим шахсларга илк маротаба сайлов ҳуқуқи берилди

Миллий қонунчилигимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида унга киритилган ўзгаришлар ҳусусида узоқ сўз юритиш мумкин.

Хусусан, 2019 йилда ижтимоий ҳавфи кам, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этиб, жазо муддатини ўтаётган шахсларга илк маротаба сайлов ҳуқуқи берилди. Бу жазо муддатини ўтаётган шахслар ҳуқуқлари тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланганидан далолат.

Бугунги кун ҳолатига қўра, сайлаш ҳуқуқига эга маҳкумлар сони 6873 нафари ташкил этади. Шундан 282 нафари ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, 1146 нафари унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун жазо муддатини ўтаётган маҳкум ҳамда 5445 нафари тергов ва суд иктиёридаги шахс ҳисобланади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига доир яна бир муҳим ислохот умумий, қаттиқ, махсус турма тартибни ва тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларнинг яқин қариндошлари билан телефон сўзлашувлари, учрашувлари ва жўнатма қабул қилишлари сони қарийб икки баробар кўпайтирилганда намоён бўлади.

Унга қўра, телефон сўзлашувлари умумий тартибли колонияда 6 мартадан 12 тага, қаттиқ тартибда — 3 мартадан 5 тага, махсус тартибли ва турмада — 2 мартадан 4 тага, тарбия колониясида — 12 мартадан 24 тага, йўқлов олиш эса умумий тартибли колонияда — 6 мартадан 12 тага, қаттиқ тартибда — 4 мартадан 8 тага, махсус тартибли ва турмада — 3 мартадан 6 тага, тарбия колонияда — 6 мартадан 12 тага оширилди. Қисқа муддатли учрашувлар ҳам шу тартибда кўпайтирилди.

Манзил колонияларда жазо муддатини ўтаётганларнинг пенсия олиш ҳуқуқлари қонун билан белгиланди. Хусусан, 2019 йил 28 августда кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан, маҳкумларнинг иш ҳақидан ижтимоий сугурта ажратилмаслиги белгиланиб, пенсия таъминотига эга бўлиши таъминланди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг мантикий давоми бўлиб, ижтимоий адолат принципларига тўла мос келишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эндиликда манзил колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нафақат пенсия тайинлаш, балки озодликдан маҳрум қилинганга қадар тўхтатилган пенсия тўловини тиклаш ҳуқуқи ҳам тақдим этилди.

Манзил колониясида жазо ўтаётган маҳкумлардан 152 нафари ёшига қўра ва 11 нафари ногиронлиги бўйича нафақа олиб келмоқда.

Жиноят-ижроия кодексига жазо муддатини ўтаётган шахсларни рағбатлантириш чораларини қўллаш тартибини белгилловчи янги норма киритилди. Шунингдек, маҳкумларнинг жазо муддатини ўташ давомида шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилди.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилиниши ҳамда жазони ижро этиш тизимида шахснинг ахлоқан тузатиш ва жамиятга ижтимоий мослашуви таъминланди.

Маҳкумларнинг илтимосига қўра, узоқ муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видеоучрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашув эса масофали видеоучрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилиши йўлга қўйилди ҳамда жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг олис масофадан келувчи яқин қариндошлари учун масофали учрашув хоналари тайёрланди. Шунингдек, кам таъминланган оила вакили бўлган жазо муддатини ўтаётган шахслар юқори ҳақ тўланадиган ишларга жалб этилди.

Президентимизнинг 2017–2021 йилларда қабул қилинган тегишли фармонларига асосан, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига ўтган жами 4955 нафар шахс афв этилди. Шундан 1776 нафари таъқилланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этган, 375 нафари аёл, 145 нафари чет эл фуқароси, 145 нафари 60 ёшдан ошган шахсдир. Шунингдек, 2017 йилдан 2021 йилнинг 25 майига қадар жазо муддатини ўтаётган 43904 нафар шахс инсонпарварлик тамойиллари асосида жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқарилди. Бундан ташқари, Жиноят-ижроия кодексининг 113-моддасига қўра, 32 193 нафар шахс манзил колонияга ўтказилди.

Жазо муддатини ўтаётган шахслар касб-ҳунарга ўқитилмоқда

2021 йилнинг ўтган 6 ойда улардан 250 нафари умумтаълим мактабларида, 480 нафари касб-ҳунар (тикувчилик, пайвандчилик, рассомлик, каштачилик, сартарошлик ва бошқа) марказларида ўқитилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Халқ таълими вазирлигининг 6 та умумтаълим мактаби филиали ҳамда муддатини ўтаётган шахслар таҳсил олмақда. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидоги 4 та касб-ҳунар таълими маркази ҳам уларни ўқитишга ихтисослашган.



Жазони ижро этиш муассасалари мақсади жазолаш эмас, қайта тарбиялаш

Инсонни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, унинг касбий кўникмасини шакллантириш тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Яъни ҳалол меҳнати эвазига оила тебратган одам кейинчалик ҳам жиноят кўчасидан йироқ юришга интилади.

Шу боис, бугунги кунда жазо муддатини ўтаётган шахсларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўргатиш, касбий маҳоратини ошириш, бўш вақтларини самарали ўтказиши ва ўз меҳнати билан оиласига ёрдам беришини таъминлаш мақсадида муассасаларда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилган.

Президентимизнинг 2019 йил 29 январдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг

меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгилаш ва модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали фаолиятни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратишга янада кенг йўл очиб берди.

Ўтган давр мобайнида ушбу ҳужжат талаблари асосида муассасалардаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти ривожлантирилди, рақобатбардош, ички ва ташқи бозорларда хариддоргир бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш салоҳияти ошди.

Бугунги кунда мавжуд корхоналар томонидан 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар — пишган гишт, қуруқ қоришмалар, керамзит, оҳак, мрамар, гранит тошлар ва замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, тўқимачилик маҳсулотлари ва пойабзал ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Бу каби маҳсулотлар юқори сифати ва нархи арзонлиги билан харидорларга манзур бўлиб, уларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Амалга оширилаётган бу каби ишлар ўз ўрнида жазо муддатини ўтаётган шахсларни меҳнат орқали тарбиялаш ва озодликка чиққач, эгаллаган касбида фаолият юритиши учун ҳам имконият яратиб бермоқда.

Жазо муддатини ўтаётган шахсларни озодликка тайёрлаш, мамлакатимизда бўлаётган сиёсий ва ижтимоий воқеалардан хабардор қилиб бориш учун барча муассасаларда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жаслиқ колонияси тугатилди

Ислохотлар жараёнида маҳкумларга муносиб шароитларни яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, халқ томонидан “Тоштурма” деб таърифланган УЯ 64/1 тергов ҳибсхонаси ёпилиб, ўрнига Тошкент вилояти Зангиота туманида халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги 1-тергов ҳибсхонаси қурилди ва 2018 йил 15 январдан фойдаланишга топширилди.

кил жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳозир жазони ижро этиш муассасаларига киришда руҳсат этилган шахсларга ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас ва ҳар бир маҳкумнинг сақлаш шароитлари қонун талаблари асосида таъминланмоқда.

Ўтган 2021 йил давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳамда унинг ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи эксперт гуруҳи томонидан жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида мониторинг ташрифи амалга оширилиб, уларда сақланаётган шахслар билан суҳбатлар ўтказилди.

Жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва ижобий ҳал қилиш мақсадида Жазони ижро этиш департаменти раҳбарияти томонидан сайёр қабуллар ўтказилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, барча жазони ижро этиш муассасаларида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига, прокурорга мурожаатлари, ариза ва шикоятлари учун мўлжалланган алоҳида почта қутилари ўрнатилган. Қонунларга риоя этилиши прокуратура идоралари ҳамда омбудсман томонидан мониторинг қилиб борилмоқда.

Ўтган беш йил давомида жазони ижро этиш муассасаларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, эскирган бино ва иншоотлар ўрнида янгилари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 21-жазони ижро этиш муассасасига қарашли ҳудудда фойдаланилмаётган эски иншоотлар қайтадан реконструкция қилиниб, унинг ўрнида “Садоқат боғи” аҳоли кўнгилочар маскани барпо этилди.

Ушбу боғда фуқароларга хизмат кўрсатувчи тикувхона, сартарошхона, кутубхона, ошхона, мусиқа ва шахмат тўғраги, концерт зали, амфитеатр, йўл ҳаракати майдончаси ва спорт-соғломлаштириш марказлари қад ростлаб, ўша ердаги “Боғзор” маҳалласида яшовчи фуқаролар учун иш ўринлари яратилди.

Очиқ ва ошкоралик тамойили амалда



Ислохотларнинг мантикий давоми сифатида 2020 йил 22 май куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Аввало, ушбу ҳужжат тизимда очиқлик ва шаффофлиқни таъминлаш мақсадида қабул қилинганни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Амалга оширилаётган ишларга қачон одамлар ҳолис баҳо беради? Қачонки ислохотлар жараёни ҳақидаги маълумотлар кенг оммага ҳолислик билан етказилса, албатта. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор. Эътибор берсак, шу пайтгача сир тутиб келинган бир қатор маълумотлар махфийликдан чиқарилди. Мамлакатимиздаги жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари сони, уларнинг юридик манзиллари, сақланаётган шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар шулар жумласидан. Бир сўз билан айтганда, эндиликда жазони ижро этиш тизимида очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик амалда таъминланяпти.

Жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолияти, тайёрланаётган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам расмий сайтларда эълон қилиб борилмоқда. Бундан ташқари, бундай муассасалар ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар орасидаги ўлим ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам эндиликда махфий саналмайди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиздаги кенг қўламли демократик ислохотларни статистик маълумотлар билан изоҳлаш, халқаро рейтинглардаги ўрнини аниқ ифода этиш ҳамда юрtdошларимиз, хорижий экспертларнинг жазони ижро этиш тизимига оид аниқ маълумотларга эга бўлиши имконини беради.

Тизимдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида 2021 йил 26 мартдаги Президентимизнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда ушбу ҳужжат асосида “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бу ҳужжатларга мувофиқ, Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти этиб қайта ташкил қилиниб, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда жазони ижро этиш тизимини рақамлаштириш орқали соҳада инсон омилини истисно этиш ва жазони ўташнинг тартиботини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Масалан, жазони ижро этиш муассасаларида ходимларнинг бодикамера билан хизмат ўташ тартибини жорий этиш, жазо муддатини ўтаётган шахслар томонидан ички тартибнинг бузилиш ҳолатларини барвақт аниқлаш учун кузатув ва назорат амалиётига интеллектуал (smart) камералар тизимини татбиқ этиш ҳамда ёпиқ турдаги муассасаларда таъқилланган воситалар ва буюмлар олиб қилилиши олдини олиш мақсадида назорат ўтиш жойларида бодисканерлар ўрнатиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, ёпиқ турдаги муассасаларда овқат сифатини ошириш мақсадида жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг озиқ-овқат таъминотини шаффофлик ва очиқлик тамойили асосида аутсорсинг тизимига ўтказиш чоралари қўрилмоқда.

““

Президентимизнинг 2019 йил 29 январдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгилаш ва модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали фаолиятни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратишга янада кенг йўл очиб берди.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасига мувофиқ, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил колония босқичма-босқич қисқартирилди. Шунингдек, жазонинг ўталмаган муддатини енгилроғи билан алмаштириш ва жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномаларни киритиш ваколати жазони ижро этиш органидан Инсонпарварлик коммиссиясига ўтказилди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун билан Жиноят кодекси (72, 73, 74-моддалар), Жиноят-процессуал кодекси (536-модда) ва Жиноят-ижроия кодексига (15, 113, 164-моддалар) ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида жазони ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойиллари кенг татбиқ этилади, жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигининг асосий тамойилларини мустаҳкамлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатишининг таъсирчан механизмини яратилади. Шунингдек, маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари доираси кенгайтирилади, жазони ижро этиш тизими очиқлиги ва шаффофлиги устидан жамоатчилик назорати кучаяди. Маҳкумларни ахлоқан қайта тарбиялаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий-психологик ва тарбиявий иш самарадорлиги оширилади.

Пировардида, манзил колонияларда жазо ўтаётган шахсларга ўз маҳалласи назорати остида оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади. Уларни иш билан таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида зарур чоралар қўрилади.

Хўпаса қилиб айтганда, жазони ижро этиш тизимида Ҳаракатлар стратегиясида белгиллаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида сўнгги беш йил ичида салмоқли ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг инсонпарварлик сиебәтидан ҳамда ахборот технологиялари асри талабларидан келиб чиқиб соҳада ислохотлар жараёни бундан кейин ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Маджитов Шероз Тохировичга онаси

Махмуда Талатованинг

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мусобақаларни телевизор орқали томоша қилар эканмиз, ўзбекистонлик ҳар бир спортчининг ҳаракатларини катта ҳаяжон билан кузатиб бордик. Лабларимиз пичирлаб, дуолар қилдик, кўзларимиз ёниб ҳар бир чиқишдан фахрландик, улар билан бирга курашгандек, ғолиблик шохсупасига ҳамқадам чиққандек тасаввур қилдик ўзимизни.

Ҳа, ғалаба нашидасини сурдик, зафарлар кучдик, қувондик, кўлимиз калта келиб, мағлуб бўлганимизда, астойдил хафа бўлдик, кези келганида йўғлаб ҳам олдик. Аммо ҳар қандай вазият ва ҳолатда ҳам спортчиларимизга бўлган ишонч ва ҳурматимизни бир лаҳза бўлса-да, йўқотмадик.

Биз-ку, бир оддий мухлис ва томошабин сифатида ҳамюртларимизнинг чиқишини шунчалик қувонч ва ҳиссиёт билан томоша қилдик, лекин уларнинг ота-оналари, жигарлари кўнглида қандай ҳаяжон кечди? Чемпионимиз Акбаржон Жўраевнинг онаси ва акасини муборакбод этиш учун Бустонлик туманининг Соилқ кишлоғига етиб борганимизча хаёлан ана шундай уй-фиқрлар ичра кезавердик.

Бу гулларни Президентимиз юборган

Мўъжазини кишлоқнинг соя-салқин қўчаларида ғолибимизнинг хонадони сари кириб борар эканмиз, қуёшнинг чўғдай қиздиргувчи оташини ҳам унча сезмай қолдик. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ билан тўлган гавжум ҳовлида қўлини кўксига қўйиб, танимаса-да, Акбар Жўраевнинг онаси Ҳафиза Норметова минг йиллик қаддонлардек самимият билан бизни қарши олди.

Ёши улўғ момолар ва юзларидан табассум аримай хандон отиб қўлиб турган қариндош-уруғлар қаторидан жой олиб, уларнинг эзгу дуоларига шерик бўлар эканмиз, ўзбекининг ўзгилги, аслида унинг ана шундай гўзал қадрият ва урф-одатларида мужассам эканига яна бир бор амин бўлдик. Қаҳрамонимизнинг онаси Ҳафизахонни ва уларнинг яқинларини ғалаба билан қутлаш жараёнида, ён-атрофга таралаётган гўя ёқимли гуллар ифори қаердан келаётган экан дея

атрофга алангладим. Шунда кўзим уй тўрида турган, қўлоч етмас бир кучок қўп-қизил атиргулларга тушди.

Зийрак нигоҳли Ҳафизахон эса, кўнглимдан ўтган уйлари сезди шекилли, гурур ва ифтихор билан кўзлари порлаб, “Бу гулларни Президентимиз шахсан ўзлари менга юборибдилар”, деди. Бахтли онанинг нузли чеҳрасига боқиб, давлат раҳбарининг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган бу аёлга чин дилдан ҳавасим келди.

Аслида, она Ватан шаънини юксакка кўтарган Акбардек фарзандни вояга етказиб, унга Жалолиддин Мангуберди шижоатини, Амир Темур жасоратини ўргатишдек улўғ вазифани жо қилган Ҳафизахон Президент совғаси ёзуви остида юборилган гулдастага чиндан ҳам муносиб аёл ва она!

10 йил олдин ҳам шундай шароитлар бўлганида эди...

— Биласизми, она учун бу дунёда фарзанд билан фахрланиш, унинг ортидан раҳмат эшитиш ва жигарбандининг яхши кўнларига шерик бўлишдан ортиқ бахт йўқ, — дейди Ҳафиза Норметова. — Мен ўғлимнинг чемпион бўлишига астойдил ишонган ва бутун қалбим билан сезган эдим. Негаки, болам туну кун ўз мақсади сари интилди, ҳаракат қилди, бир сония ҳам чемпион бўлиш орсизидан кеьмади, тиним билмай спорт билан шуғулланди.

Аллоҳга шўқри, меҳнатлари самарасиз кетмади. Лекин ҳозир кўксимда бир парча олов ёнаётгандай гўё, ҳатто ўзимга сигмаяман. Қани эди шу кўнларни раҳматли дада-си кўрганми эди... (кўзлари ёшланиб, овози титраб, бир пас ичкики йўғлади). Давлатимиз раҳбарининг юртимиз ёшларига яратиб бераётган имкониятларини ва чемпионнинг онаси сифатида менга ҳам кўрсатилётган эъзозни кўрганлариди, балки шодлиқлари дунёларга сигмасидими. Бироқ кўнглимнинг бир чеккасида кемтиклик, армон ва алам бордай ўқинаман. Негаки, ҳукуматимиз томонидан Акбар ўғлимга яратиб берилаётган шарт-шароитларнинг ўндан бирини ҳам катта-ўғлим Азизбекда кўрмадик. Катта ўғлим ҳам аслида спортчи эди.

Агар, бугунги шароит ва имкониятлар 10 йил илгари бўлганида, тўнғичим ҳам, албатта, Олимпиада чемпиони бўларди. Тўғри, ҳаммаси Аллоҳнинг измида. Бироқ ўғилчиликлар, қийинчиликлар, етишмовчиликлар одамнинг юрагини емириб боради.

Биз илгари кўп қийналганмиз. Эримнинг битта ойлиги билан рўзғор юритиш ва катта ўғлим Азизбекни спорт мусобақаларига жўнатиш, турли харажатлар, барчаси бўйнимизда эди. Қўлопроқ қилиб айтганда, “Ўзинг учун ўл етим”, замонлар эди. Ота-оналар фарзандини мусобақаларга ўз ҳисобидан пул тўлаб юборарди. Фақат сўнги беш йилда ёшларга улкан имкониятлар дарвозаси кенг очиб берилди. Бу учун барча спортчилар оналари номидан бир она сифатида, бир аёл сифатида Президентимизга кўлимни кўксимга қўйиб миннатдорлик бидираман. Ташаққур! Илоҳим умрлари зиёда, тану жонлари соғ, азия боллари омон бўлсин!

Бу дунёни асли бир кам дейдилар

Азалдан бу кўхна дунёни бир кам дейдилар. Демак, Яратганнынг иродаси билан яралган одамзоднинг кўнгли доимо нимадандир ярим бўлиб қолавераркан. Бу кемтикликни тўлдирши, ярим кўнглини бутун қилиш ва яраларга малҳам бўлиш учун унинг яқинлари, жигарлари бир бўлиб ҳаракат қилади. Шундай шодёна кунда бу мулоҳаза нега керак, дейсизми? Бу гапларни айтишимизнинг боиси шунки Акбарнинг отаси раҳматли Хусниддин Жўраев бир эмас, икки ўғлининг чемпион бўлишини чин юракдан истаган ва бу учун қўлидан келганини

ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРЛАРИ

Бу кўхна оламда шарафли вазифалар кўп. Аммо киндик қонинг тўкилган муқаддас юрт шаънини улўғлаш, юксакларга кўтариш инсон учун энг шарафли ва улўғ вазифадир. Яқинда ниҳоясига етган Токио Олимпиадасида ғолиб бўлиб келган мард ўғлонларимизнинг оламшумул ғалабалари жаннатноманд диёримизнинг доврўғини етти иқлимга янада машҳур қилди. Токиода юртимиз вакиллари шижоат ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир бор исботлади. Ўзбекистон байроғини жаҳон узра сарбаланд кўтарган 21 ёшли спортчимиз Акбар Жўраев ҳам спортнинг оғир атлетика тури энг оғир вазнида иштирок этди ва 430 килограмм тош кўтариб, олимпиада рекордини янгилаган ҳолда, олтин медаль соҳибига айланди.

ЮРТ ШАЪНИНИ ШАРАФЛАГАН ЧЕМПИОН



қилган. Ўғилларим — Азиз ва Акбар Жўраевлар бўлиб дунёга танилади, деб ният қиларкан.

Аммо инсоннинг орзу-умидлари ҳамма вақт ҳам рўёбга чиқавермайди. Айниқса, қўли калталик, етишмовчилик, оддий тилда айтганда, пулсизлик бу йўлда ҳаммаша ғов бўлиб туради. Ҳафиза Норметова ва Хусниддин ака ўғиллари машҳур спортчи бўлишига имкон қадар ҳаракат қилган.

Тўнғич ўғли Азиз 17 ёшида ёшлар ўртасида Ўзбекистон ва Осиё чемпиони бўлади. Галдаги чемпионатга тайёргарлик кўриш чоғида қўлидан жароҳат олади. Сўнг оёғидан. Машғулот ва чемпионатларга ўз ҳисобидан пул тўлаб фарзанди келажаги учун жон куйдираётган ота-онани ўша вақтларда ҳеч ким қўламаган. На моддий, на маънавий кўмак бермаган. Азиз Жўраевнинг оёғидан қилинган жарроҳлик операцияси эса, анча вақт ва маблағни талаб қилган. Ёлғиз ўзи ишлайдиган отанинг топиш-тутиши дастурхонга урвоқ ҳам бўлмай қолган кўнлар турда кўп бўлган...

Турмушнинг муштлари залворли бўлади. Оиладаги етишмовчилик инсоннинг нафақат мақсадларини балки озуларини ҳам келмаб қўйишига сабаб бўлади гоҳо. Аммо Азиз Жўраев матонатли ва шижоатли бўлгани учун ҳаёт синовлари олдиди доврларда қолмади. Тузалгандан сўнг, гарчанд етти мучаси соғ бўлса-да, уни мусобақа ва чемпионатларга қатнашди қилишмади. У эса, укаси Акбарнинг ярмига айланди. Аслида, укаси-

нинг спортга меҳр қўйишида унинг ҳиссаси катта. Кичкинтой Акбар акасига ҳавас қилиб, доимо унинг изидан қолмай эргашиб юрар ва шу тарикада спортга кўндан-кўн боғланиб бораверган. Акбарнинг биринчи устози ва мураббийи ҳам акаси Азиз бўлади.

Укам билан фахрланаман

— Укам билан фахрланаман, — дейди Азизбек Жўраев. — Акбарнинг қалбидида қувонч ва ўзига бўлган юксак ишонч менга ҳам бир олам куч ва ғайрат бағишлайди. Чунки укажоним Ватан олдидидаги ва ота-онам олдидидаги фарзандлик бурчини ҳалол бажарди. Менинг ҳам қалбимда бир дунё орзуларим бор эди.

ни ҳаммага ўқиб эшиттирди. Президентимиз оғир атлетикачи Акбар Жўраевнинг олтин медали ва ўрнатган янги рекордига шахсан муносабат билдирди. Хушхабарни ўрнидан туриб, қарсак чалиб олқишлади, хурсандчилигини видеоселектор йиғилишидагилар билан бирга ошқора баҳам кўрди. Барчани Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Токиода эришган ютўқ билан шахсан табриклади. Шунинг ўзи ҳам жуда катта куч-қудрат, мамлакат мустақиллигининг 30 йиллиғига, янги Ўзбекистонга зўр совға эканини таъкидлади.

Яхши ният — ярим давлат

Ғолиб спортчимиз Акбар Жўраев билан мулоқотда у ҳаяжон ва катта фахр билан шундай деди:

— Бу ғалабам истиқлолимизнинг 30 йиллиғига тўғнайдир. Президентим яратиб берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, уни оқлашга жон-ҳаждим билан ҳаракат қилдим ва бунни уддаладим.

Ўртоқларимиз, олимпиададан қайтишимизни жуда ҳам катта тантаналар билан қўтиб олишди. Мен бундай эҳтиром ва ҳурматни қўриб янада ҳаяжонландим. Шу кунни Бош вазиримиз Абдулла Арипов ҳамда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норметова Президентимиз совғаси сифатида менга 4 сотих ҳовлига эга 3 хонали коттеж, 200 минг АҚШ доллари ҳамда “Tahoe” автомобилни топширди. Пул муқофоти, хонадон ва машина қалитларини уларнинг қўлидан қабул қилиб олар эканман, гўё туш кўраётгандай эдим. Чунки бирон-бир давлатда спортчиларга бундай юксак эътибор, ғамхўрлик кўрсатилганини билмайман.

Токи тирик эканман, танамда жоним бор экан, шу муқаддас юртга муносиб ва содиқ фарзанд бўламан. Онажонимнинг ярим кўнглини бутун қилиш учун бор имконим ва кучимни ишга солиб, Париж Олимпиадасида ҳам ғолиб бўлиб, олтин медаль олишга ҳаракат қиламан. Мени қўллаб турган яқинларим, мураббийларим ва менга мухлислик қилган барчага раҳмат!

Дарҳақиқат, Акбар Жўраев Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, ўз олдига қўйган олий максадга эришди — Олимпиада чемпиони бўлди. Ғолиблик шохсупасига чиқишида унга мураббийлари Фарҳод Мирзахонов ва Баҳром Мендибоев катта ёрдам берди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, аслида ота-онаси унинг шифокор бўлишини хоҳлаган, аммо у бошланғич синфдали-гидеёё акаси сингари оғир атлетика йўналишини танлаган, мактабда ташкил қилинган спорт тўғрақларига мунтазам қатнаган. 7-синфда пойтахтдаги Олимпия захиралари коллежида ўқишга қабул қилинган.

Акбар ўтган давр мобайнида оғир атлетика бўйича қўллаб мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган. Бугунги кунда у 7 карра Ўзбекистон, 4 карра Осиё чемпиони бўлди, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 2018 йили Туркменистоннинг Ашхабод шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 19 ёшида жаҳон рекордини ўрнатди.

Яхши ният — ярим давлат, дейди халқимиз. Биз ҳам Соилқ кишлоғининг энг ёш полковни Акбаржонни музаффар ғалаба билан табриклаб, келгуси ишларига омад тилаб қоламиз.

Сўнгсўз ўрнида...

Бўстонлиқдан қайтар эканман, кўнглимни қуёш каби илгитган хушхабар ва хурсандчиликлар қуршовидан чиқиб бир зум уйга толдим. Акбар Жўраевнинг акаси 17 ёшида Ўзбекистон ва Осиё чемпиони бўлган, ҳозирда эса 27 ёшда қаршилаган Азиз Жўраевнинг кейинги тақдири билан ҳам спорт соҳаси мутасаддилари қизиқиб қолар...

МУНОСАБАТ



Кимки бир кўнгли бузқўнни хотирин шод айлағай,
Онча борқим Каъба сайрон бўлса, обод айлағай
Алишер Навоий

Пандемия ҳуқи сураётган бир шароитда мисли қўрилмаган ўзгаришлар содир бўлаётган, оламшумул ютуқларга эришаётган янги Ўзбекистонда қалби ўқсик, кўнгли ярим ва кемтик инсоннинг ўзи бўлмаслиги, барчанинг фаровон, бахтли ҳаёт кечирishi давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбари яқинда Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш асносида уларга маънавий, руҳий далда бериш борасида ҳам барчамизга ибрат бўлди. Ўз боламизга қандай муносабатда бўлсак, Меҳрибонлик уйи болаларига ҳам шундай меҳр-муруват кўрсатишимиз, кўзларига чакнаб турган учқунни алаңгалатиб, келажакда қомил инсон бўлиб етиштишларига масъул эканлигимизни яна бир бор ҳаммамизнинг ёдимизга солди.

Айниқса, Президентимизнинг Тошкент шаҳридаги 21-Меҳрибонлик уйига ташри-

фи чоғида кўтарилган масала ва муаммолар кенг омма, хусусан, олимлар орасида муҳокамага сабаб бўлди. Меҳрибонлик уйларини давлат ўз назоратига олгани, аслида эса, тарбияланувчилар узоқ йиллар давомида назоратсиз қолгани, уларнинг чин инсоний меҳрдан етарлича баҳраманд бўлмаётгани давлатимиз раҳбари томонидан тўғри таъкидланди.

Шу маънода, Меҳрибонлик уйлариининг Миллий гвардия тасарруфига ўтказилиши бежиз эмас. Чунки маънан етук офицерлар ёшларни ватанпарварлик руҳида, қатъиятли ва иродали этиб тарбиялашда уларга ҳар томонлама ибрат бўла олишлари мумкин. Бинобарин, бу янгилаганаётган Ўзбекистон учун Ватанига содиқ ўғил-қизларни камол топтириб, она-юрт қорига ярайдиган, қолаверса, Учинчи Ренессанс пойдевори-ни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадиган фарзандлар бўлиб ўлғайишларида муҳим аҳамият касб этади.

Меҳрибонлик уйлари билан ҳамкорлик борасида Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида ҳам қатор амалий ишлар режалаштирилмоқда.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграффик хизматдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2568.

76603 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоши келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева
Мусаҳҳиҳ: Малухат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 23:20